

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ ПАРАДИГМАСИ**

Мирзаев Ф.\* Қулметов М.\*\*

*\*Давлат тест маркази, \*\*Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон*

Ушбу мақолада муаллифлар банклар ўртасидаги рақобат даражасини аниқлашда юзага келадиган муаммоларини очиб берган. Бундан ташқари кучли рақобатни бўлиши банкларда рискни ортишига, аксинча кичик рақобатни яратилиши катта кўнгилсизликларни келтириб чиқариши таҳлил этилган. Мақолада too-big-to-fail (ТВТФ) модели асосида рақобатни энг оптимал ҳолатини аниқлаш бўйича парадигма таклиф этилган.

**Таянч сўзлар:** Рақобат, банклараро рақобат, рақобатбардошлик, ТВТФ модели, риск, ликвидлик, йирик банклар, кичик банклар, ишончли ахборот, фойда, бизнес-модель.

В данной статье авторами раскрываются проблемы, возникающие в определении уровни конкуренции между банками. Кроме этого анализированы повышения риска в банках в случае сильной конкуренции, напротив создание малой конкуренции приводит большим неприятности. В статье предложена парадигма по определению самого оптимального состояние конкуренция на основе модели (ТВТФ) “too-big-to-fail”.

**Ключевые слова:** конкуренция, межбанковский конкуренция, конкурентоспособность, модель ТВТФ, риск, ликвидность, крупные банки, мини банки, достоверная информация, прибыль, бизнес-модели.

### **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасида банк тизимининг узлуксиз ривожланиши бозор муносабатлари шароитидаги объектив зарурият бўлиб, бу ўз навбатида тижорат банклар фаолияти ва молиявий барқарорлигини доимий назорат қилиш ҳамда уларни самарали бошқариш учун зарур маълумотлар базасининг яратилишининг услубий асосларини такомиллаштиришни талаб этади. Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизимини шакллантириш, банкларнинг молия бозоридаги воситачилик ролини фаоллаштириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, фаолиятини жаҳон банк амалиётига яқинлаштириш ва пировард натижада, банкларнинг ички ва халқаро молиявий бозорларда рақобатбардошлигининг юқори даражасига эришиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, барқарорлигини таъминлаш, банклараро рақобатни ривожлантириш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш макроиқтисодий

барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган.[1]

Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт ривожланиши асосида рақобат пайдо бўлади. Шу боис, рақобат муҳити шаклланиши бозор муносабатларига ўтган ҳар бир мамлакат учун ҳаётий заруратдир, чунки соғлом рақобатга йўл бермай иқтисодиётда рақобат муносабатларини ривожлантирмай туриб, бозор муносабатларини шакллантириб бўлмайди. Ҳозирги кунда молиявий бозорларда рақобат даражасини аниқлашда қандай омилларни ҳисобга олиш асосий муаммолардан бири сифатида қаралмоқда.

Одатда, рақобатга анъанавий равишда уч жиҳатдан қаралади: муомалавий, рақобат бозорида мижоз учун кураш сифатида, тузилмавий, бозорда харидор ва сотувчининг эркинлик даражаси ва ундан чиқиш методлари ва функционал жиҳатлардир. Бунда товар ва хизматлар бозорининг ўзини-ўзи бошқариш ва ривожланиш механизми сифатида илмий адабиётларда анъанавий равишда товар бозорларига мақбул, устувор вазифа сифатида қаралади. Тижорат банклари ўртасидаги рақобат даражасини аниқлаш, унинг энг оптимал ҳолати қандай бўлиши ҳамда қандай омиллар асосида баҳолаш асосий масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Иқтисодий адабиётларда банклар ўртасидаги рақобат даражасини баҳолаш нисбатан кам тадқиқ қилинган йўналиш сифатида эътироф этилади.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин глобализация жараёнини тез ўзгариб бориши, сиёсатчи ва олимларни яна бир бор банк рақобати ва давлатнинг рақобат сиёсати тўғрисида турлича тадқиқотлар олиб бориш заруратини келтириб чиқармоқда. Айрим олимларнинг фикрича, молиявий бозордаги ўзгаришлар, бозорда янги молиявий инновация ва рақобатнинг ривожланиб бориши давлат томонидан йирик банкларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши банклар бозори концентрациясини бузилишига олиб келмоқда [2].

Банклар бозоридаги юзага келган ҳолат орқали улар ўртасидаги рақобатни баҳолашда турлича ёндошувлар юзага келмоқда. Жумладан, банк соҳасида рақобатни тузилмавий ва тузилмавий бўлмаган ҳолатларда баҳолашни таклиф этишади. [3].

Банклар ўртасидаги рақобат даражасини тузилмавий ёндошув орқали аниқлаш яхши шаклланган бозорлар орқали аниқланади. Тузилмавий бўлмаган ёндошув орқали рақобат даражаси аниқ бир фирмани бозорда ўзини тутишини кузатиш орқали аниқланади.

Юқоридаги ёндошувларга эътибор қаратсак, тадқиқотчилар фикрича банклар рақобат бозорида ўз ўрнига эга бўлишда ички муҳитда аниқ бир мақсадни кўзлаган бўлиши зарурлигини белгилаб беради. Шунинг учун ташқи бозорда рақобат сиёсатини олиб боришда ички муҳитни рақобатини енгиш зарур бўлади.

Банк соҳасидаги рақобатни аниқлаш (ўлчаш)нинг яна бир ёндошуви фоизли спрэд орқали аниқлаш таклиф этилади[4].

Банк рақобатини аниқлашнинг фоизли спрэд усули самарали бўлиши учун бизнинг фикримизча, макроиқтисодий кўрсаткичларга таяниш зарурлигини келтириб чиқаради. Бунда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар сифатида солиқлар тушуми, инфляция даражаси, ЯИМ ҳамда тўлов баланси олиши зарур бўлади. Бундан ташқари банк фаолияти билан боғлиқ бўлган ички омиллар ҳам инобатга олиниши зарур.

Банклар ўртасидаги рақобатни даражасини аниқлашда эмпирик ёндошув жиҳатдан учга бўлишади: Тузилма-ҳолат-хусусият (Structure-Conduct-Performance (SCP)). Ушбу ёндошув банкларнинг бозордаги рақобат даражасини баҳоловчи парадигма сифатида қаралади. [5]. Айрим тадқиқотчилар банклар ўртасидаги рақобат даражасини аниқлашда банкларнинг ўрнатилган меъёрларни бажарилиш ҳолати ҳамда уларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуасини баҳолаш орқали аниқлашни таклиф этишади [6].

Банклар ўртасидаги рақобатни даражасини аниқлашда самарадорлик муҳим омиллардан бири сифатида қаратилади. Жумладан, банкларнинг юқори концентрацияси рақобатни сусайишига, аксинча унинг даромадини ошишига олиб келади. Унга тесқари парадигмага асосан, самарадорлик гипотезасига кўра, самарадорлиги юқори бўлган банк ўзини бозордаги улушини ошириб боради[7].

Демак, муаллифлар фикрича самарадорлиги бошқа банкларга нисбатан юқори бўлган банкларда даромади ошишига, нархларни пасайишига, рақобатбардошлигини ортишига ҳамда бозордаги улушини ортиб боришини таъминланиши асосланади. Ушбу парадигмага асосан самарадорлик самара эмас, балки бозорда банкларнинг тузилмасини аниқловчи омил сифатида қараш зарурлигини келтириб чиқаради.

Иккинчи бир тадқиқотчилар фикрича, рақобатнинг қанчалик кучли бўлиши банкларнинг самарадорлигини шунчалик оширишга хизмат қилади. Монополия эса банкларнинг самарадорлигини пасайтириб юборади [8].

Юқорида олиб борилган тадқиқотлардан хулоса қилиш мумкинки, банклар ўртасидаги рақобат ва самарадорликни аниқлашда асосий омиллар сифатида бозор тузилмаси, харажат ва даромад фойдаланилган. Аммо бу ҳолат билан баҳолаш доимо ўзини оқламайди, чунки бозордаги турли ҳолатларнинг юзага келиши банкларнинг турли хусусиятларини намоён қилади.

Банклар ўртасидаги рақобат даражасини аниқлашда учта асосий мулоҳазага таянилади. Биринчидан, бу соҳада турли концепцияларни яратилганлиги, банк кўрсаткичлари ҳолатни баҳолаш учун йўналиш бўлиши мумкин, аммо тўлиқ ҳолатни баҳоламайди. Шундай ҳолатни рақобат тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Рақобат – бу самарадорлик орқали аниқланадиган омил эмас, ёки даромад ҳам буни аниқ баҳосини бера олмайди. Иккинчидан, юқоридаги тушунчаларга берилган таърифлар турлича ёндошувлар асосида берилиб улар аниқлаш концепцияси бир-биридан турлича фарқ қилади.

Учинчидан, рақобат даражасини баҳолаш учун маълумотларни етарли эмаслиги ҳам муҳим омил саналади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, америкалик олимлар олигаполистик рақобат шароитида даромадни максимал қилиш моделини тақдим этадилар [9].

Ушбу моделнинг кўриниши қуйидагича:

$$\text{Profit margin} = (-1/\mu)ННН(1 + \tau)$$

Шуни хулоса қилиш мумкинки, маржа даромади рақобат даражасини кўрсатиб беради, яъни бозор ҳукмронлиги юқори бўлиб рақобат паст бўлса, фойда шунчалик юқори бўлади. Бу ерда,  $\mu$  талабнинг нарх эластиклигини кўрсатади, яъни истемолчилар банк маҳсулотларини нархини ўзгаришига қанчалик таъсирчан бўлса, рақобат шунчалик кучли бўлади. ННН - Херфиндал-Хиршман индекси бўлиб, бозор тузилмасини белгилаб беради, яъни бозорда қанчалик кўп банк иштирок этса, рақобат шунчалик кучли, аксинча кам бўлса рақобат кучсиз бўлади. Бундан кўриш мумкинки, бозорда банклар бошқа банкларнинг ишлаб чиқараётган ёки таклиф этаётган маҳсулот ҳажмига ва унинг нархига доимий равишда таъсирчан бўлади. [10]. Бундан ташқари банклар рақобат даражасини аниқлашда Лернер индексини қўллаш орқали аниқлаш муҳимлиги асослаб беришган. [11].

Банклар ўртасидаги рақобат даражасини баҳолашда фақат фойда даражаси ва унга таъсир қилувчи омиллар асосида баҳолаш таклиф этилган. [12]. Бошқа томондан олиб қараладиган бўлсак, рақобат банкларни бир-бири билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш мумкин. Бунда бозорда юқори мавқеига эга бўлган банклар, фирмаларга юқори фоиз ставкаларини белгилайдилар ҳамда ўзларига катта рискни оладилар бу эса молиявий тизимда иқтисодий занжирларни бузилишига олиб келади [13]. Йирик банклар ижтимоий ҳимоя сиёсатидан фойдаланиб рискни олдини олиш мақсадида катта субсидиялар оладилар, натижада молия тизимида ўзгаришлар юзага келади [14]. Тадқиқотчининг фикрича, молиявий тизимдаги ўзгаришлар кичик банклар фаолиятига таъсир қилиш оқибатида мамлакат банк тизимини издан чиқариши мумкин. Банк соҳасига таъсир қилувчи алоҳида рисклар банк рақобатига кучли таъсир қилиши мумкин. Аммо айрим олиб борилган тадқиқотларда банкларга таъсир қилувчи барча рискларни ўрганиш орқали рақобатни баҳолаш зарурлиги асослаб берилган. [15].

Америкалик олимлар тадқиқотларида катта капиталга эга бўлган банк тизими рақобатбардошли бўлиши, банклар ўртасидаги рақобатга ижобий жиҳатдан таъсир кўрсатади [16]. Олиб борилган тадқиқотлар маълум маънода рақобатнинг устунлигини таъминлашга ёки аксинча, унинг камайишига олиб келувчи омиллар асосида баҳоланган. Бизнинг фикримизча, банклар ўртасидаги рақобат даражасини баҳолашда энг оптимал усулни танлаш муҳим ҳисобланади. Ушбу оптимал усулни яратиш бўйича дунё олимлари бир қанча тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, too-big-to-fail (ТВТФ) модели бўлиб, бунда катта рақобат банклар устав капиталини пасайтириши ва рискни


ошишига олиб келиши мумкин. Аксинча, кичик рақобат самарасиз ҳамда бозор тузилмасига таъсир қилувчи турли омилларни келтириб чиқариш мумкин.[17]

Хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда банклар ўртасидаги рақобатни даражасини баҳолашда too-big-to-fail (ТВТФ) “жуда катта, инқирозга учраш учун” модели асосида энг оптимал парадигмани таклиф этиш мумкин.

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Олиб борилган тадқиқотларда банклар рақобат даражасини баҳолашда таклиф этилган моделнинг энг муҳим омили сифатида етказиладиган ахборотлар муҳим рол ўйнаши белгиланган. Банклар томонидан олинадиган ишончли ахборотларнинг ошиши уларнинг бир нечта манбалардан олиш имкониятини кенгайтириб боради. Жумладан, биринчидан, ишончли ахборот банкларнинг тарнсчегаравий ҳолатини мустаҳкамлаб банк рақобатини кучайтиради (маълумки, банкларнинг ички муҳитдаги тажрибаси ёки жойидаги ишончли ахборотлар ташқи бозорга чиқиш учун етарли бўлмайди). Иккинчидан, ишончли ахборотлар банклар учун улгуржи маҳсулот ва воситаларни олиш учун гаров сифатида фойдаланиш мумкин. Бу эса молиявий воситалар бозорига кириш учун энг қулай йўл бўлиб, рақобатни кучайтиришга хизмат қилади. Учинчидан, ишончли ахборот “воситачи –тақсимловчи” бизнес-моделдан фойдаланиш имконини беради. Ушбу ҳолат банк бўлмаган молия институтларини кредит бозорига эркин киришини таъминлаб банклар билан рақобат қилиш имконини беради. [18].

Олиб борилган тадқиқотларда банклар томонидан бизнес-моделни эволюцион ҳолатини тақдим этишда ахборот, фойда ва бизнесни кенгайтиришга эътибор қаратиш муҳимлиги асослаб берилган. Жумладан, қуйидаги расмда банклар томонидан олинадиган ишончли ахборотлар оддий (традицион) ҳамда замонавий банкларга таъсири алгоритми келтирилган.



Расм. Эволюцион банк бизнес-моделли: ахборот, фойда ва бизнесни кенгайтириш (ошириш)

Тузилган алгоритм асосида ахборотнинг қанчалик ишончли бўлиши банкларнинг бозордаги ҳолатини тасвирлаб беради. Оддий банклар бозорда ўзининг бизнесини юритиш бўйича аниқ фиксирланган мезонга эга бўлса, ҳар қандай таъсирчан ахборотда катта фойда олиш имкониятини оширади. Аммо банкнинг бозордаги рақобат даражаси кучсиз ҳисобланади. Аксинча, замонавий банкларда ахборот ишончли бўлиши бозордаги ҳолатига зудлик билан таъсир кўрсатади, яъни унинг таъсирчанлиги юқори бўлади. Ушбу ҳолат банкларнинг бозордаги рақобат даражасини кучли эканлигидан далолат беради. Демак, банкларнинг рақобат даражасига бевосита ахборотнинг таъсири юқори таъсир кўрсатиши мумкин экан.

Тижорат банклари бозорида рақобат, ахборотларни ошкор этиш ва банк концентарциясининг ўрнини очиб беришда ахборотларнинг банклар рақобатига таъсирининг муҳим йўналишлари таҳлил қилинган [19].

Биз томонимиздан таклиф этилаётган моделда банкларнинг рақобат даражасини баҳолашда асосий муаммо сифатида унда иштирок этувчи оддий ва замонавий банкларнинг рақобат бозоридаги сиёсатини ишлаб чиқишда қандай омиллар таъсир кўрсатиши мумкинлигини очиб бериш зарур бўлади.

#### 1-жадвал

#### ТВТҒ моделида оддий ва замонавий банклар мосланувчанлиги

	Оддий банк (традицион)	Замонавий банк	
		Асосий операцияси	Бозор операцияси
<b>Ахборот таянчи</b>			
Ахборот турлари	таъсирсиз	таъсирчан	ишончли
Мустақиллиги	паст	ўртача	юқори
Қоплаш имконияти	паст	ўртача	юқори
<b>Банкнинг бозордаги ҳолати</b>			
Устав фонди	юқори	ўртача	паст
Рискка мосланувчанлиги	паст	ўртача	юқори
Рискдан қочиш	паст	ўртача	юқори
<b>Рақобат сиёсатиоқибатлари</b>			
Рискка таъсирчанлик	белгиланган мезондан кичик	юқори	
Банк рискларини камайтиришга қаратилган рақобат сиёсатини самарадорлиги	юқори	чегараланган	
ТВТҒ муаммоси	Чегараланган (таъсирчан ахборотда қоплаш даражаси юқори бўлган ҳолатда ишлаш қийин)	Кучли рақобат сиёсати орқали а) ТВТҒ муаммосини камайтириш мумкин б) тўғрилаш мумкин	
Тузилмавий муаммо	Чегараланган	Замонавий банк ва банк	

	(оддий тузилма)	бўлмаган ташкилотларни чегаралаш асосида рақобат сиёсати орқали бозорда хотиржамликни ошириш мумкин
Банкни жавоб бериши	Оддий усулда	Мураккаб: банк рақобат сиёсатида инқирозга қарши барча воситаларни ҳисобга олиши зарур

Жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, рақобат сиёсатини ишлаб чиқиши банкларга турлича таъсир кўрсатиши мумкинлиги асослаб берилган. Рақобат сиёсати банклар бозорида тўғри киритилиши унинг даражасини оптимал вариантини белгилаб беришга ёрдам беради. Шунинг учун банклар бозорида фаолият олиб бораётган банкларнинг йирик бўлиши ёки уларнинг кичик банкларга таъсир кўрсатиши рақобат сиёсатида аниқ белгиланиши зарур ҳисобланади.

Молиявий инқироз шароитида кўпгина давлатлар йирик банкларни сақлаб қолиш мақсадида молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида бозор тузилмасини ўзгаришига олиб келган [20]. Бундай йирик банклар билан бозор тузилмасини ўзгартириш мураккаб бўлиб, уларни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказишда қийинчиликлар юзага келади. ТВТФ моделини асосий муаммоси ҳам шунда бўлиб, ўзоқ йиллар давомида йирик банкларни сақлаб қолиш оқибатида рақобат концепцияси бузилиб келинган. Натижада, банкларнинг рақобат даражасини аниқлашда муаммолар юзага келган. Юқоридаги ҳолатларга баҳо берадиган бўлсак, йирик банклар ҳар қандай ҳолатда ўз мавқеини сақлаб қолишда давлатга таянишга ҳаракат қилади. Аммо бу билан муаммо ечиلىб қолмайди, ёки ҳал этилмайди. Шунинг учун, ТВТФ модели бозор операцияларини ривожлантиришда “марказлашган тармоқ” яратиш орқали диллерлик фаолиятидан фойда олиш мумкинлиги асослаб беради. Бундан ташқари, олимнинг фикрича, бозордаги ҳар қандай ишончли ахборот йирик банклар фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатишини асослаб беради[21].

ТВТФ модели муаммосини ҳал этишда Базель III да банк капиталига нисбатан ўзгаришлар киритилди. Аммо бу киритилган ўзгаришлар ҳам муаммони ечими бўлмаслигини турлича ёндошувлар асосида асослаб беришган [22].

ТВТФ модели орқали банк рақобат даражасини баҳолашда иккита ёндошув таклиф этилади. Сонли ва нархли ёндошув. Сонли ёндошув орқали рақобат сиёсати ишлаб чиқилганда банкларнинг ҳажмига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи воситалардан фойдаланиш таклиф этилади. Жумладан, бозордаги ҳолатдан келиб чиқиб, банкларни қўшиб юбориш, молиявий ёрдам кўрсатиш ва ҳ.к. Бунинг учун ушбу ҳолатни тўғри баҳолаган ҳолда аниқ воситани қўллаш тавсия этилади. Замонавий банклар йирик бўлиши билан у рақобат бозорида

рақобатбардош ёки самарадор бўлиши мумкин. Йирик банклар ўз ҳажмидан келиб чиқиб кичик банкларга нисбатан самаралироқ фаолият олиб боради.

Нархли ёндошувда рақобат сиёсати орқали бозорда юзага келган турли ҳолатларни олдини олишда фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолат сифатида йирик банклар арзон молиялаштириш имконияти кичик банкларга нисбатан юқори ҳисобланади. Ушбу ҳолат банклар учун чегара воситаси бўлиб, уларни бозорга кириш имкониятларини чегаралаб қўяди, натижада рақобат концепцияси бўзилишига олиб келади. Айнан уйин майдонидаги ҳолатни тўғрилаш рақобат сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади. Бу ерда рақобат сиёсатининг энг муҳим воситаси сифатида йирик банкларга нисбатан жарима ва солиқ солиш ҳисобланади. Айнан ушбу қўлланилган жарима ва солиқ банкларни зарар кўришини олдини олиш билан бирга ТВТФ модели муаммосини ҳал қилади ҳамда молиявий хотиржамликни таъминлайди. [22].

Тадқиқотчилар фикрича, банк рақобат сиёсати рақобат даражаси банк фаолияти билан боғлиқ рискни юзага келишини ҳисобга олиши зарур бўлади. Айрим ҳолатларда молиявий хотиржамликни таъминлаш мақсадида рақобатдан воз кечиш зарур бўлади. Шунинг учун банк рақобат сиёсати номолиявий компаниялар учун бозорда махсус тартиб қоида ишлаб чиқиш зарурлигини белгилаб беради [23].

Банк бозор улуши даражаси унинг рақобат потенциалига нисбатан иккиламчидир. Рақобат потенциалини ошириш сўзсиз, бозор улуши ошишига олиб келади. Бозор улуши кўрсаткичлари, шунингдек, унинг ўсиш ёки пасайиш динамикаси шубҳасиз, банкнинг рақобатбардошлик даражасини аниқлаш ва улар томонидан реализация қилинадиган стратегиялар самарадорлигини баҳолаш учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Молия институтлари ва банклар ўртасида юз бераётган рақобатчилик динамик жараёни натижасида ҳамма таркиблар кредитлаш ва молиявий хизмат кўрсатиш бозори шароитида мустаҳкам натижаларини таъминлашга интиладилар.

Банкнинг рақобат бозоридаги ўрнини сақлашда унинг функцияланиши ишончилиги ва самаралилигини баҳолашда қуйидаги миқдорий кўрсаткичлар энг муҳим ҳисобланади: банкнинг фойдали ва рентабеллиги, устав фонди ва резервларининг миқдори, активлари ва пасивларининг тузилмаси, кредитлар ва депозитлар бозоридаги улуши, ҳал қилинган операциялар сони, фоиз ставкалари даражаси ва бошқалар.

Таклиф этилаётган модель асосида банклар бозорида рақобат даражасини баҳолаш омиллари сифатида эса, ахборот, фойда ва янги бизнес-модель ҳисобланади. Демак, банклар бозордаги ўрнини сақлашда фақат унинг миқдорий кўрсаткичларига эътибор қаратмаслик зарур, чунки замонавий банк фаолиятида ҳар қандай рақобат сиёсати уларнинг бозордаги ишончли ахборот орқали ўзгариб боради.

Республикамиз банк бозоридаги энг асосий муаммо ҳам рақобат сиёсатини яратишда асосан миқдорий кўрсаткичларга таянилади. Ҳозирги шароитда банкларнинг бозордаги рақобат даражасини фақат миқдорий кўрсаткичлар орқали аниқлаш давлатнинг банклар бозоридаги рақобат сиёсатини тўғри



тузиш имконини бермайди. Шунинг учун тижорат банклари ички бозорда рақобат устуворлигини таъминлашда белгиланган меъёрларни бажариш орқали эришади. Жумладан, тижорат банкларининг ўз функцияларини тўлақонли бажара олиш имконияти, биринчи навбатда, уларни етарли даражада ликвидли бўлиши билан белгиланади. Шу сабабли, тижорат банкларининг ликвидлиги масаласи банк назорати ҳамда молиявий барқарорлигини бошқаришнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич банкларнинг бозордаги фаолиятини қанчалик устунлигини таъминлаш омили сифатида қаралади.

**2-жадвал**


**Тижорат банкларнинг жорий ликвидлилик даражаси бўйича таҳлил[25].**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>01.01.2015</b>	<b>01.01.2016</b>	<b>01.01.2017</b>	<b>01.01.2018</b>
Садерат	176,3%	149,2%	101,8	4643,9
Hi-tech bank	21,3%	110,8%	67,4%	235,5
Азия Альянс банк	92,2%	103,5%	67,0%	64,9
Миллий банк	87,2%	101,8%	109,1	-
KDB Bank Uzbekistan	89,9%	90,5%	90,2%	85,0
Саноатқурилиш банк	92,4%	86,0%	69,0%	126,2
Равнақ банк	52,6%	85,5%	91,3%	152,9
Микрокредит банк	48,8%	81,5%	65,8%	93,35
Қишлоқ қурилиш банк	80,3%	79,5%	70,3%	79,7
Туркистон банк	63,9%	76,6%	98,3%	50,4
Хамкор банк	59,8%	71,9%	59,8%	97,7
Ипотека банк	43,1%	69,0%	53,9%	99,3
Давр банк	50,7%	66,2%	42,6%	69,5
Инвест Финанс Банк	59,9%	65,6%	67,9%	104,3
Трастбанк	52,5%	62,6%	55,8%	59,0
Савдогар банк	30,6%	62,5%	41,7%	50,9
Ориент-финанс банк	64,1%	61,5%	75,9%	84,4
Zigaat банк Ўзбекистон	85,5%	59,5%	121,3	66,7
Ипак Йўли банк	65,3%	59,3%	63,5%	88,4
Турон банк	42,5%	58,2%	63,5%	79,1
Асака банк	61,2%	58,1%	95,5%	88,6
Халқ банки	44,0%	57,6%	48,2%	82,1
Универсал банк	52,5%	50,6%	45,5%	65,1
Капитал банк	46,3%	47,5%	47,2%	63,5
Алоқабанк	50,6%	43,4%	57,6%	57,7
Агробанк	40,8%	34,9%	30,0%	74,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги тижорат банклари орасида энг юқори жорий ликвидлилик коэффициенти Садерат банкга тегишли бўлиб, бу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиш

тенденциясини қайд этиб келмоқда. Таҳлил натижалари шуни аниқ исботлаб бердики, яъни хусусий банкларнинг жорий ликвидлилик бўйича кўрсаткичлари давлат улуши бор банклардан бир қанча тез ўсиб келмоқда. Умумий ҳисобда барча тижорат банклари бу кўрсаткич борасида ижобий натижага эга, чунки мамлакатимизда жорий ликвидлилик коэффициентига қўйилган минимал талаб 30% ни ташкил этиб 01.01.2018 йил ҳолатига кўра барча банкларнинг натижалари ушбу талабдан юқори натижа кўрсатган.

Умумий ҳолатда олиб қараганда банк рақобат даражасини баҳолашга таъсир этувчи омилларни олиб борилган тадқиқотлар асосида умумлаштирадиган бўлсак, уни қуйидаги расм орқали изоҳлаш мумкин:



**2-расм. Банк рақобат даражасини баҳолашга таъсир этувчи омиллар.**

Демак, банкларни рақобат бозоридаги даражасини аниқлашда энг муҳим омиллар қаторига ишончли ахборотни киритилиши бевосита банкларнинг молия бозоридаги ўзгаришларга таъсирчанлик даражаси юқорилиги билан баҳоланади. Ривожланган давлатларда банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки асосида олаётган даромадининг юқорилиги ишончли ахборотнинг етказилиши муҳим ҳисобланади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Олиб борилган тадқиқот натижасига кўра тижорат банклари рақобат даражасини баҳолашда таклиф этилаётган too-big-to-fail (ТБТФ) моделининг энг муҳим хусусиятлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: биринчидан, республикаимиз банклар бозорида рақобат даражасини баҳолаш концепциясини яратиш имконини беради, иккинчидан, давлат улушига эга бўлган банкларни хусусий инвесторларга сотиш орқали уларни бозордаги мустақиллигини таъминлайди, учинчидан, банкларни рақобат даражасини баҳолашда фақат микдорий кўрсаткичлар орқали эмас, балки бошқа омиллар ишончли ахборот ҳамда замонавий бизнес-моделларга таяниш зарурлигини белгилайди.

Тадқиқот асосида қуйидаги **таклифлар** ишлаб чиқилди:

- ҳозирги шароитда тижорат банклари рақобат даражасини аниқлашда too-big-to-fail (ТВТФ) модели парадигмасидан фойдаланиш тавсия этилади;

- тижорат банклари ўртасида рақобат сиёсатини ишлаб чиқишда ишончли ахборот, фойда ва бизнес-модель концепциясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

- тижорат банклари рақобатбардошлиги аниқлашда RATE, CAMELS, Sheshukoff Bank, “ахборотларни кузатиш”, банк скоринг методларидан фойдаланиш тавсия этилади;

- тижорат банклари рақобат даражасини аниқлашда банк имиджи, молиявий салоҳияти, фаолияти самарадорлиги, очиқлиги ҳамда хизматлар жозибadorлиги муҳим омиллар сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

2. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2013/wp13126.pdf>

3. Demsetz, H. (1973) Industry structure, market rivalry and public policy, *Journal of Law and Economics*, 16, 1–9.

4. Stein, J., 2002, “Information Production and Capital Allocation: Decentralized versus Hierarchical Firms,” *Journal of Finance*, Vol. 57, No. 5, pp. 1891-921

5. Ariss, R. (2009). Competition behaviour in Middle East and North Africa banking systems. *The Quarterly Review of Economics and Finance*, 49, pp. 693-710.

6. Carbo, S., Humphrey, D., Maudos, J. & Molyneux, P. (2009). Cross-country comparisons of competition and pricing power in European banking. *Journal of International Money and Finance*, 28, pp. 115-134.

7. Demsetz, H. (1973) Industry structure, market rivalry and public policy, *Journal of Law and Economics*, 16, 1–9.

8. Hicks, J. (1935) Annual survey of economic theory: monopoly, *Econometrica*, 3, 1–20.

9. Bikker, J.A. & Bos, J.W.B. (2005) Trends in competition and profitability in the banking industry: a basic framework, *Suerf Series 2005/2*.

10. Bikker, J.A. & Bos, J.W.B. (2008) *Bank Performance: A theoretical and empirical framework for the analysis of profitability, competition and efficiency*, Routledge International Studies in Money and Banking, Routledge, London & New York, 176 pages.

11. Koetter, M., Kolari, J.W. & Spierdijk, L. (2007) Testing the ‘quiet life’ of U.S. banks with Lerner indices, *Universiteit van Groningen*.

12. Panzar, J. & Rosse, J. (1987) Testing for ‘monopoly’ equilibrium, *Journal of Industrial Economics*, 35, 443–456.

13. Boyd, J.H., and G. De Nicolo, 2005, “The theory of bank risk-taking and competition revisited,” *Journal of Finance* 60, 1329-1343

14. Anginer, D., and A. Demirguc-Kunt, 2011, “Has the global banking system become more fragile over time?,” *World Bank Policy Research Working Paper No. 5849*.
15. Brunnermeier, M. K., 2009, “Deciphering the liquidity and credit crunch 2007-2008,” *Journal of Economic Perspectives* 23: 77-100.
16. Schaeck, K., and M. Cihak, 2010, “Competition, efficiency, and soundness in banking: An industrial organization perspective,” *European Banking Center Discussion Paper No. 2010-20S*.
17. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2013/wp13126.pdf>
18. Dell’Ariccia, G., and R. Marquez, 2006, “Lending Booms and Lending Standards,” *Journal of Finance*, Vol. 61, No. 5, pp. 2511-546. Dell’Ariccia, G., D. Igan, and L. Laeven, 2012, “Credit Booms and Lending Standards: Evidence from the Subprime Mortgage Market,” *Journal of Money, Credit and Banking*, Vol. 44, No. 2-3, pp. 367–84.
19. Мирзаев Ф.И. Тижорат банкларида сифат менежментини ривожлантиришда рақобат, ахборотларни ошқор этиш ва банк концентрациясининг ўрни // Республика илмий-амалий конференцияси.– Тошкент: 2015, 27-28-б.
20. Ueda, K., and B. Weder di Mauro, 2012, “Quantifying Structural Subsidy Values for Systemically Important Financial Institutions,” *IMF Working Paper* 12/128.
21. Stein, J., 2002, “Information Production and Capital Allocation: Decentralized versus Hierarchical Firms,” *Journal of Finance*, Vol. 57, No. 5, pp. 1891-921.
22. Haldane, A., 2012, “On Being the Right Size,” Speech given at Institute of Economic Affairs 22nd Annual Series, The 2012 Beesley Lectures at the Institute of Directors. 2013, “Have We Solved 'Too Big To Fail'?”
23. Marinč, M., and R. Vlahu; 2011, *The Economics of Bank Bankruptcy Law*, Springer. Martinez-Miera D., and R. Repullo, 2010, “Does Competition Reduce the Risk of Bank Failure?” *Review of Financial Studies*, Vol. 23, pp. 3638-664